

Бўлажак ўқитувчилар шахсининг тарбияси ва ривожда маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги даражаси ҳақида

Р.Ярматов,
ЖДПИ ўқитувчиси

Педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятни ташкил этишда давомийлик, узлуксизлик, мажмуавийлик, кўп вариантлик, таълим-тарбия жараёнининг бирлиги ва ўзаро алоқадорлиги, унинг мазмуни ва умумий мезонлари тўғрисида тасаввурга эгалик, маънавий-маърифий ишлар мазмунининг инсонпарварлик ғояларига асосланган тамойиллари устувор ўрин тутди.

Бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш ва ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолиятни йўлга қўйиш даврида ижтимоий тарбиянинг асосий мақсади ва мазмуни – ўқувчилар индивидуаллигини ривожлантириш, уларда ўз кадр-қимматини англаш ҳиссини, муайян қизиқиш ҳамда маънавий эҳтиёжларни, ўзини намоён этиш лаёқатини тарбиялашдан иборат эканлигини; ижтимоий тарбиянинг якуний мақсади – жамият учун керакли ва фойдали шахсни шакллантириш кераклилиги; тарбиялаш жараёни – яхлит педагогик жараённинг муҳим жиҳати, унинг асосий ташкилий қисми ҳисобланишини тўла англаб олиш каби талабларнинг энг муҳим масала эканлигини эътироф этиш зарур.

Умумий ўрта таълим муассасаларида йўлга қўйиладиган тарбия, мазкур шароитда, ўқув фаолияти ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш асосида, таълим муассасаси анъаналарини қўллаб-қувватлашни ўз таркибига оладиган яхлит жараён саналади.

Ижтимоий тарбия - маънавий-ахлоқий, ақлий, эстетик, экологик, меҳнат, жисмоний, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа йўналишлардан иборат бўлиб, бу йўналишларнинг барчаси ягона мақсадни амалга оширишга йўналтирилади.

Бўлажак ўқитувчилар ижтимоий тарбия шакл ва методлари ўртасидаги бирлик ва ўзаро алоқадорликни англай олиши билан бирга, ўқувчилар шахсига тарбиявий таъсир кўрсатиш мақсадида самарали фойдалана олиш йўлларида ҳам хабардор бўлишлари керак.

Бўлажак ўқитувчининг ижтимоий тарбия тамойилларидан хабардор бўлишлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли, олий таълим муассасаларида педагогик фанларни ўқитиш чоғида, уларга мазкур тамойиллар тўғрисидаги тушунчалар бериб борилади, яъни ижтимоий тарбиянинг инсонпарварлик ғояларига асосланиши, ижтимоий тарбияни ташкил этишда демократик ғояларнинг устувор ўрин тутиши, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари ҳамда шахсий имкониятларини инобатга олиш, таълим ва тарбия бирлиги, жамоатчилик иштироки, ижтимоий тарбиянинг миллий ва умуминсоний кадриятларга

асосланганлиги, кабиларнинг сингдириб борилиши жуда муҳим шартлардандир.

Зеро, қайд этилган кўринишдаги фаолиятларнинг ҳар бири таъсир кучига эга бўлиб, уларни қўллашда ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари, ички имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Сўз юритилаётган жараёнда, айниқса, жамоавий фаолият имкониятидан фойдаланиш кутилган натижаларни кафолатлай олади. Бинобарин, жамоа – ўзини ташкил этиш, жамоада ўз ўрнини яхшилаш учун, жамоали муносабатларни ўзлаштириш учун шароит саналиб, унда ўқувчиларнинг бир-бирларига ўзаро фаол таъсир кўрсатишлари кузатилади. Бу эса шахснинг тарбияланиши ва ривожланишида ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Жамоавий муносабатларнинг таъсирида бўлажак ўқитувчиларда куйидаги сифатлар тарбияланади ва ривожлантирилади:

- шахсий хусусиятлар (ўзини тута билиш, у ёки бу кўринишдаги хиссий кечинмаларни зарур вазиятларда ифодалаш, хушмуомалалик, келажакка бўлган ишонч руҳига эғалик, ёнидагиларга манзур бўлиш);

- маънавий-ахлоқий сифатлар (тенгдошларига эътиборли бўлиш, ижтимоий муносабатларда одиллик, атрофдагиларга нисбатан адолатли, толерант бўлиш);

- жисмоний сифатлар (эпчиллик, чاقқонлик, кучлилиқ, тананинг эгилувчанлиги, мустақиллик);

- иродавий сифатлар (мустаҳкам ирода, қатъий характерга эғалик, журъатли, қатъиятли бўлиш, бардошлилик, сабр-тоқатлилиқ ва бошқалар);

- ақлий сифатлар (фикрлай олиш, тафаккур юритиш, билимлилик, укувлилик, зукколик, зийраклик, сезгирлик, ижодкорлик);

- фаолиятни ташкил этиш лаёқати (кўникма ва малакаларга эғалик, уддабуронлик, мақсад сари интилувчанлик).

Бўлажак ўқитувчилар маъруза дарсларида, айниқса, ўқувчиларни билиш фаолиятини тўғри ташкил этиш шартларидан яхши хабардор бўлишлари лозим. Шу сабабли, тажриба-синов ишлари даврида: “Ўқувчилар шахсини ўрганиш йўналишлари” номли маърузани ташкил этиш орқали ўқувчиларга билиш фаолиятини тўғри ташкил этишга оид назарий маълумотлар берилади. Бу жараёнда ўқувчилар куйидаги маълумотлар тўғрисидаги билимларга эга бўладилар:

- ёш хусусиятлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари;

- ўқувчилар билан биринчи учрашувда аҳамият қаратилиши зарур бўлган ҳолатлар;

- “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи” тизимида таълим субъектларининг ўзаро муносабатлари;

- ўқувчиларнинг коммуникатив қобилиятлари;

- ўқувчиларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари; диққати, диққатлилиги, идрок этиши ва кузатиши; хотираси, эсда тутиши, эсда сақлаб қолиши, таниб олиши ва эсга олиши;

- ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятлари, характер хусусиятлари;

- ўқувчиларнинг ақлий кўрсаткичлари;
- ўқувчиларнинг ижодий лаёқатлари ва қобилиятлари;
- ўқувчиларнинг ўзига хос шахсий белгилари;
- ўқувчиларнинг эмоционал хусусиятлари, хислатлари ва сезгиси, эмоционал доираси;
- ўқувчиларнинг феъл-атворлари, характерлари, темпераментлари, асаб тизими турлари ва ўзларини тута билишлари;
- ўқувчиларнинг иродавий кўрсаткичлари (мақсадга интилувчанлик, интизом, меҳнат ва ўқув фаолиятига муносабатлари);
- ўқувчиларнинг ижтимоий хулқлари; атрофдагиларга бўлган муносабатлари;
- ўқувчиларнинг тарбияланганлик, шахс сифатида шаклланганлик ва ривожланганлик даражаларини психологик-педагогик ташхис қилиш.

Ўсиб келаётган авлод шахсини шакллантириш ва ривожлантиришга замонавий талаблар асосида, биринчи навбатда, бўлажак ўқитувчиларнинг ўқувчилар шахсини тушуниш ҳамда ўрганиш йўллари, шунингдек, усулларини ҳамда тарбиявий жараённинг тузилишли-мазмунли тизимини билишлари жуда муҳим ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришда ҳамда ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган педагогик асосларни ишлаб чиқиш, нафақат, назарий-педагогик, балки назарий-амалий ёндашувлар ва йўналишларни ҳамда шахснинг маълум сифатларини аниқ тарбиялаш ва ривожлантириш (ёки уни яхлит ривожлантириш) технологияларини ҳам талаб қилади. Ўрганилаётган жараённинг ички хусусиятларини кўриб чиқиш орқали бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш ва ривожлантириш мақсади, тамойиллари, мезонлари ҳамда кутилаётган натижаларни аниқлаш муҳим. Ушбу жараёни ташкил этишда миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, замонавий педагогик технологияларни ҳисобга олиш ва уларга ижодий ёндашиш зарур.

Ҳар қандай ўқув-тарбиявий жараённинг маълум тизим асосида содир бўлиши назарда тутилса, бўлажак ўқитувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнини ташкил этишда эмоционал омил; шахс психологияси, унинг мотивацион, қадриятли, эҳтиёжли ва мезонли йўналишлари; зарур тушунча, тасаввур ҳамда билимларни ўзлаштириш, тамойиллар, эгалланган билим, кўникма ва малакалар, шахснинг ўз-ўзига баҳо бера олиш шунингдек, ўз-ўзини касбий-шахсий такомиллаштириш истикболларини кўра билиш каби ҳолатларни назарда тушиш муҳим аҳамиятга молик.

Бўлажак ўқитувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг муҳим элементлари сирасига ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, улар томонидан педагогик ахлоқ меъёрларининг пухта ўзлаштирилишига эришиш ҳамда уларнинг ўз педагогик қиёфаларини такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш

мумкинки, бўлажак ўқитувчилар шахсини тарбиялаш ва ривожлантиришнинг муҳим натижаси уларнинг юксак касбий етуклиги даражаси асосида белгиланади.